

# СИЛДА ЖАСЛАМАЙТ

ВА

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

13

СОН

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• • Баҳоси эркин нархда



Содик МАҲКАМОВ сурати

**УШБУ СОНДА:**

Содик АЛИМОВ:

**ЛУҚМАНГИЗ ҲАЛОЛМИ?**

4-БЕТ

Аҳмаджон ҚОСИМОВ:

**АМИТАБХ БАЧЧАН**

7-БЕТ

Уста КЎПАЛ:

**ШУНЧАКИ МАРИЯ**

8-БЕТ

**КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:**

Сайёра ҚОЗИЕВА:

**МЕН БИЛАН ФАХРЛАНИШАДИ**

Раҳмон Али АЪЗАМ:

**АЁЛНИ ТУШУНИШ**

Фарруҳ ЗОКИРОВ:

**САҲНАНИ ТАРК ЭТИШ НИЯТИМ ЙЎҚ**

\*\*\*  
 Уйғонгувчи боғларни кездим,  
 Топай дедим қирдан изингни.  
 Ёноғингдан ранг олган дедим —  
 Лолазорга бурдим юзимни,  
 Учратмадим аммо ўзингни,  
 — Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқлардан залворли тоғлар  
 Ҳаёлимни келдилар босиб.  
 Кечди қанча интизор чоғлар,  
 Васлинг менга бўлмади насиб,  
 Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғарип,  
 — Сен баҳорни соғинмадингми?

Унгурларда сакрайди оҳу,  
 Наъматакда саъва миттижон.  
 Корликлардан сипқорилган сув  
 Дараларда уради жавлон.  
 Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,  
 — Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бугун наврӯзи олам,  
 Дўстларимга гуллар тутарман.  
 Қайлардасан, севгили эркам...  
 Қўлимда гул, сени кутарман,  
 Умрим бўйи чорлаб ўтарман:  
 — Сен баҳорни соғинмадингми?

Абдулла ОРИПОВ

«Оила ва жамият» 13 (136)

## ҚУШ УЯСИДА ҚҮРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Богча ховлисида уч-түрт қизалок "мөхмон-мөхмон" ўйнашыпти. Ўртадаги дастрўмол — "дастурхон", устида ширинликлар, "мөхмон" ларнинг ўзаро сұхбати авжидар.

— Дадам ишхоналаридан ҳар куни шоколад олиб келдилар, — мақтанади Наргиза. — Ойим "Конфетларни ҳадеб күчага ташиб кетаверма", — деб уришадилар.

— Менинг ойим бөгчада ишлайдилар. Ўйимизда печене, тұхум, сарығе роса күп. Ойим кунига олиб келдилар, — гапта қүшилади Зебо.

— Кечачи, Нигоранинг түгилган куни бўлди. Ойиси торт олиб келди. Богча опамиз уни бизга бермай, уйларига олиб кетдилар, — деди бир кизча.


Хуллас, сұхбат қизиб кетди. Зебо қўлидаги пахмок айикасини ўринга еткизаётб, тўписа килади: — Кани, энді ухла. Агар кўзингни юмасанг, хозир "угол"та (бурчакка демокчи) тургизиб қўйман! Сұхбат тугагунча бечора айичка тоғ овкатини емагани учун, тоғ шўхлик килгани учун бир неча бор бурчакка туришга мажбур бўйди.

Бир чеккада сұхбатта эътиборсизроқ бўлиб ўтирган Заринанинг хаёлидан дадаси билан

ойисининг кечаги жанжали ўтди. Богчадан вақтла қайтган Зарина навбатдаги "олишув" нинг устидан чиқкан эди. У кири келиши билан бақир-чакирдан чарчаган ота диванга ёнбошлиди. Онаси "даданг чарчаби-ку, хушидан кетиб қолмасин яна, сув сеп, Зарина" деди кесатиб. Бола эмасми, Зарина ютуриб, чelакасини сувга тўлдириб келди-да, дадасининг устидан сепиб юборди... Зарина бу воқеани дугоналарига сўзлаб берди.

Табиий, уларнинг сұхбатларинин кузатган ҳар кандай киши ўзини култидан тия олмайди, бирор... Бу қизалоклар эрта-индин улгайиб, камолга етишади. Айни шу мургаклик паллаларида юқоридагидек муомала, муносабатларнинг салбий таъсири бўлмайди дейсизми? Фарзандлари олдиди ўзини тута билмайдиган ота-оналар, тарбияланувчилари кўз ўнгиди қильвирилди тоймайдиган бөгча опалар буни англашармикан? Ахир, "Куш уясида қўрганини қиласи" деган мақол бекорга айтилмаган-ку?

Шоҳида САМАТОВА,  
Тошкент Педагогика  
техникини толибаси



## 063 га Қўнғироқ қилинг

ТОШКЕНДАГИ МАРКАЗИЙ  
ВОКЗАЛ БОШЛИФИ  
МАНСУР РАЖАБОВ БИЛАН  
СУҲБАТ.

— Айни пайтда аксарият йўловчилар темир йўл транспортидан фойдаланяпти. Бу сизларга қийинчилек туғдирмаятни!

— Кўриб турганингиздек ташқари ҳам, ичкари ҳам одамлар билан гавжум. Албатта бунинг сабаби бор. Биринчидан, йўл ҳақи арzon, иккинчидан тижоратчиларимизнинг қатнови авжига чиқкан бир палла. Тахминан ҳар куни Тошкентга ўн мингдан ортиқ йўловчи келиб кетади.

— Айтайлик, бирор яқин

қариндоши қазо қилганинги туфайли йўлга чиқсан йўловчиларга қандай имтиёзлар бор!

— Айнан ушбу саволининг бўйича бирон бир қонун ёки алоҳида имтиёз йўқ бўлса-да, улар ҳеч қачон қолиб кетишмаган.

Шунингдек уруши ветеранлари ва инвалидлари ҳам. Ҳамма вақт иложи борича уларни тезда жўнатишга ҳаракат қиласиз.

— Кун тартибидаги поездлар сонини кўпайтира

— Сир эмаски, ҳозир сизларда ҳам қозо масаласи оғирроқ бўлса керак. Ҳудди шунингдек бизда ҳам вагонларга керакли бўлган эҳтиёт қисмлар тақцил.

Эҳтиёт қисмларни фақат МДХдан олсан бўлади. Аммо бизни ҳам пул ўтказиш муаммоси қўйнаб турибди.

— Кун мобайнида неча поезд қабул қилинади ва энг узоғи қайси шаҳарларгача боради?

— Бир кунда ўрта ҳисобда ўнтадан ортиқ поезд келиб кетади. Энг узоғи Иркутск шаҳригана боради.

— Ҳозир темир йўл транспорти орқали тижорат сафарига чиқсанлар жуда кўп. Бу борадаги тартиб-қоидалар қандай!

— Юқорида айтганимдек йўловчиларнинг кўпли тижоратчилардир. Бизда қонун бўйича ҳар бир йўловчи 36

килограммгача юк олиб кетиши мумкин.

— МДХ мамлакатларига қатнаш тартиби қандай? Узоқ ҳориж мамлакатларигачи!

— 1993 йил, 15 январдан бошлаб паспорт тартибига ўтдиц. Яни олинган чипталарга паспорт номери ҳамда фуқаронинг исми ва фамилияси ёзилади.

Агарда йўловчи Қозогистон,

Туркменистан ёки Қирғизистон

фуқароси бўлса, булар учун ҳам алоҳида пул алмаштириш кассалари ишлаб турибди. Кассалардан пулларини алмаштиргандан кейин қўлига ҳужжати бўлмаса унга чипта сотилмайди.

Юртимизнинг эшиги дунёнинг барча мамлакатлари учун очилди.

Шу муносабат билан 1993 йилнинг април ойидан бошлаб валюталар билан савдо қилинган касса ишга тушди. Биздан Варшава, Афина, Берлин, Парис ва бошқа шаҳарга бориш мумкин. Билет олиш учун поезд жўнашидан 24 ёки 45 кун олдин хабар қилинади. Шунга кўра биз телетай орқали Москвага буюртма берамиз.

— Адолига олдиндан билет сотиш тартиби қандай?

— Бунинг энг қулий йўли, 063 га қўнғироқ қилинса бас. Чипталар ахолига қирқ кун олдин сотилади.

Уста ОЧИЛ сұхбатлаши

Етти кун

### ЎРГАНГАН ҚҮНГИЛ

1978 ва 1979 йилларда түғилган уч нафар ўсмири Тошкент шаҳар, Першин кўчасида жойлашган озиқ-овқат дўконига ўғирликка тушишиди. Дўконда егулик ва ичгуликдан бўлак ҳеч вақо ўйқлиги билан улар қизиқиб ўтиришмаганди. Эндиликда, нима мақсадда дўконга киришмаганини "ўғрибачча"ларнинг ўзлари ҳам изоҳлаб беришмоялати.

### ДАРАХТЛАР «ИСИНИБ» ОЛИШДИ

Ўтган ҳафтанинг сўнгги кунларида ёқсан қалингина қор ғаллаоролликларни ташвишига солиб қўйди. Туманинг кўпигина қишлоқларида эрингид одамлар "худоник айтганини бўлади-да" деб иссиқ ўринда уйқунинг урдилар. Эринмаганлари ҳовлисига мевали дараҳтлар остига тонега қадар гулхане ёкиб чиқшиди. Ёқиган гулханлар сонидан маълум бўлдики, эринмаганлар ҳам кўп экан.

### ТУНДА ЎҚИБ БЎЛМАЙДИГАН КИТОБ

"Насаф" нашириети яқинда Темирпўлат Тиллаевнинг "Ўлим ўқони" қиссасини чоп этди, деб ҳабар қиласи қашқадарёлик мухбиримиз Жалол Яхшибоев. Асарни албатта топиб ўқинг. Фақат, тунда ўқимане! Чунки қисса кундуз завқ беради-о, кечалари қўрқитиб чиқади.

Китоб, қора хаёл гирдобига ўйлиқан Турон девонанинг фожеави тақдирдан ҳикоя қиласи.

### "ЎША" СИГИР ТУҒДИ

"Шарқ" нашириёт-матбаса концерни ҳарф терши ва саҳифалаш ҳечининг мудири Ғулом Ҳакимовнинг сигири болалади. Бу ҳабар бир зумда цех жамоасига тарқалди. Ҳамманинг оғзи кулогига. Сабаби, Ғулом ака, "шусигири түғса, барча ходимларимни сут билан ташминлайман" деб ваъда берган экан.

### "БАССЕЙН"ДА ҚЎПКАРИ ЧОПИШДИ

Олти йил аввал Яни Нишон шаҳрида ёзги оромгоҳ — бассейн ташкил этилганди. Аммо, қаровсизлик оқибатида сув ҳавзаси атрофлари шўрланиб, дараҳтлар қуриб қолди, ўз наебатида бассейн епилди.

Иккى йил олдин эса, ана шу ташландиқ қолган майдон Нишон тумани ҳокимлиги ташаббуси билан отчопарга айлантирилди. Наврўз тантаналарида бу ерда қўпқари ѹюштирилди. Чавандозлар собиқ бассейн майдонидаги қарсиллатиб улоқ чопишиди. Совринга 30 бош қўчқор, 10 (йи) жиллиси сўм-купон қўйилди.

### "ТОШКЕНТ ТУРНИРИ" БОШЛАНДИ

11 апрел куни Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари терма командалари ўртасида ўтирик ҳалқаро турнир бошланди. (Газетимизнинг ўтган сонидаги ушбу турнирга ўтказилиши мубодати II-19 апрел ўрнига 11-19 октябр деб, хато берib юборилгани учун сиз муштариликлардан узр сўрайлими). "Пахтакор" марказий ўйинчоҳида ушбу турниргинга очилиши катта байрамга айланб қетди. Ўзбекистон терма командааси билан Туркменистан терма командааси ўртасида бўлиб ўтган ўйинда ҳамкорларимиз 4:0 ҳисобида ғолиб чиқашди. Ҳамкорларимизга бундан кейинги ўйинларида ҳам омад тилаймиз.

Таникли ҳинд киноюлдузи Амитабх Баччани мухтарам ўқувчиларга танишириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. У Ҳиндистон киносида 21 йил давомида 90 га яқин филмда катнаши. Экранда яратган ижобий, баъзан эса салбий роллари билан томошибинлар олқишига сазовор бўлган бу актёр ҳинд киноси оламида «экран шаҳанпохи» бўлиб дунёга танидил. Унинг иштирикдаги филм намойини қилинмаган бирор-бир мамлакатни топиш қийин. 8 ёшдан 80 ёшча барча унинг киноларини севиб томоша қиласди.

Дунёда кино яратиш бўйича олдинги

бўлса бундан кейин ҳам унинг иштирикода яна бир қанча фильмлар яратишга тайёрман» (Амит Амитабхнинг қисқачи исми).

Ҳақиқатан ҳам Амитабх Баччан ҳинд киносиning «шаханпохи». Унинг яратган образлари кўп санъатшуносларни қизиқтириб келмоқда. Ҳатто Дехлидаги Жавоҳарлал Неру номли университетда Гулта хоним «Амитабх Баччанинг кино оламидаги ижоди» темасида докторлик ишини ҳимоя қиласди.

Баччанинг охирги бир ярим йил ичидаги бирон-бир фильмда суратга

Лондонда истиқомат қиласетган укаси иккаласининг «И. П. К. А» номли фармацевтика корхонаси ишлаб туриди. Қолаверса охирги икки йил ичидаги Амитабх Баччан Европа мамлакатларида, Америка Кўйима Штатларида, Канадада жуда кўп концерт учрашувлари ўтказди.

Яқинда «Ҳиндистон матбуот маркази»нинг маҳсус мухбири, жаноб В. В. Нагпал телефон қилиб:

— Бугун кечқурон соат 18.00 да сизни «Тож-Махал» меҳмонхонаси олдида кутаман. Ҳеч қандай баҳона эшитмайман... Илтимос, ёнингизда ҳамен, кўрлумолчадан бошқа ҳеч нима бўлмасин! Репортёр, фотокамера ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Қолганини келганда биласиз, деди.

Соат 18.00 да манзилга етаж, атрофдаги «назоратчи»ларни кўриб «қолганини кейин» билгандай бўлдим. Биринчидан даврани сўз билан таърифлаш қийин бўлса, иккинчидан

Девга ўҳшаганларни қўймайдиларми? — Марҳамат боринг, ўзингиз бунга амин бўласиз.

— Раҳмат! Бўш вақтим жуда кам. Телекомпаниядаги ишлар билан юрган эдим. Митхун ҳам шу ерда съёмкада экан, бирга келди бу ерга.

— Жая хонимнинг пайшана соат 8.30 даги видеофильмини мазза қилиб кўрлямиз. Жуда яхши кўрсатув бўлиди.

— Ўз юртингиздами, ё бу ердами? — Йўқ, шу ерда.

Жая Баччан собиқ киноактиса. Кинода бир қанча жуда характерли образлар яратган. Шунингдек, Амитабх Баччан билан ҳам биргалиқда бир неча фильмларда ўйнаган. Ўзбек томошибинларига жуда яхши таниш «Қасос ва қонун» фильмида Амитабх Баччан билан Ҳармендада иккى безори образини яратади. Оиласини қириб ташлаган Габбар Сингни тутиш учун уларни ёллаган Тхакуринг келини образида Жая хоним гавдаланади.

Жая Баччан хоним кинода турмуш ўртоги билан охирги бор бундан 13 йил муқаддам «Силсила» фильмида ўйнаган эди. Ҳозир у «Болалар учун фильмлар яратиш «уюпмаси раисаси, шу билан бирга телевидение учун бир



ўринда турган Ҳиндистон тарихида шу бугунга қадар бир гуруҳ истеъододи «юлдузлар» чиқди. Уларнинг бўлзилари икки-уч фильмлари билан бир ҷаҳнат сўнди, бўзилари эса сўнгти, юқори погонадалигича қолди. Рах Капур, Диlip Кумар, Наргиз хоним, Дев Анандлар маълум бир давр «юлдузлар»идир. Ҳармендр, Житендр, Мина Кумарилар эса бошқа бир давр «қаҳрамонлари» хисобланади. Лекин Амитабхнинг ўрни ҳинд киносида бутунлай ўзгача. Унинг экранда яратган образлари халқа шунчалик манзур бўлган эканки, савдо дўйконлари, кичик корхоналар, турли ичимликлар, ҳатто музқаймоқлар ҳам Баччан номи билан атала бошланди. Фарзандларига Амитабх деб исм кўйган оилалар сони бир неча мингни ташкил этади. Ҳатто бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам шундай оилалар мавжуд. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида истиқомат киливчи Сайфуддинов ҳамда Рўзиевлар хонадонида ҳам фарзандларга унинг исми кўйилган.

Умуман олганда таникли ҳинд кинорежиссерлари, танқидчилари Амитабх Баччанинг мажоратини ҳақоний баҳолайдилар. Жумладан, ўзбек киномуҳлисларига «Насиб» фильм билан таниш бўлган кинорежиссер Маммоҳан Баччан ҳақида шундай деганди: «Агар киноюлдузларни бир залга йиградиган бўлсан, 1-қатордан 10-қаторчача бўлган жойни Амитабх учун қолдириб, қолганларини 11-қатордан бошлаб ўтказган бўлардим. Агар Амит рози

тушмаганинги нафақат ҳинд киноси ижодкорларини, балки унинг мухлисларини ташвишга солиб қўиди. У бу тўғрида журналистларнинг саволига аниқ жавоб бермай, соглиги бўлмагани учун бироз дам олиш ниятида эканлигини айтмоқда. «Девор бўлса ҳам кўчани кўрадиган» баъзи мухбирлар бундан ҳар хил хуносалар чиқармоқда. Баъзилари: «Амит яқин дўстси Рахив Ганди (собиқ баш вазир) ҳалокатидан сўнг якунланимай қолган фильмларни битираб, кейин кинога тушмоки эмас» деса, бошқа бирлари «Йиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Баччан ўзига мос рол тополмаётганини туфайли экрандан узоқда» деди. Аслида Амитабхнинг отаси таникли шоир Ҳарованш Рай Баччан билан Жавоҳарлал Неру яқин дўст бўлишган. Рахив христиан динида бўлган италиялик Сонияга уйланаётганди, ҳинд одатига кўра Ҳарованш Рай Баччан оталик қилган. Амитабх эса Сония хонимга ака бўлган. Тўй маросими Баччанлар хонадонида ўтган. Шунингдек, Амитабхнинг Жая хоним билан тўйлари ҳам Гандилар хонадони иштирекида ўтган.

Мархума Индира Ганди хонимга қилинган суюқасдан сўнг Рахив ўз дўстларини ёрдамга қақириди. Шундай қилиб собиқ учувчи дўстлари Рахив Палет ва Сатиш Шарма, киноюлдуз Амитабх Баччан сайлов даврида Рахив Ганди номзодини кўрсатдилар. Орадан кўп вақт ўтмай Рахив ўлимидан сўнг Баччан сиёсат майдонидан бутунлай кетишга мажбур бўлди.

Амитабх Баччан дунёга машҳур шахс. Бундан икки йил аввал телевиденсиде «А. Т. Н.» компаниясини очди. Бу программа Европа мамлакатларида севиб кўриладиган кўрсатувлардан бирита айланди. Яқин кунларда бу программа Ҳиндистонда ҳам кўрсатилади деган гаплар бор. Ундан ташқари ҳозир

бизлар учун бутунлай бегона бўлган кўриниш кашф этанди. Ниҳоят жаноблар ва хонимлар сабрзислик билан кутган меҳмонлар кириб келди. Албатта, давра марказида Капил Дев. Бир оздан сўнг мени ажаблантириб турган давра жаноб В. В. Нагпални ҳам ҳайратта солиб қўиди. Чунки таникли ҳинд киноюлдузлари Амитабх Баччан, Митхун Чакраборти ва энди ном чиқараётган истеъодди актёр Шоҳруҳони ҳам ташриф буюришини у киши кутмаган эди. Жаноб В. В. Нагпал ҳинд киноси тарғиботчиларидан бири бўлгани учун ҳам киноиндустриядагиларнинг барчасини яхши танир экан.

Албатта, бундай даврада юлдузлар сұхбатидан баҳраманд бўлмаслик журналист унун «гуноҳ» ҳисобланади. Шунинг учун давра бироз сўйилғач, Амитабх Баччандан у, бу нарсани сўрашти жазм қилим.

— Амитабх-ж! Сиз билан ҳозир мухбир сифатида эмас, сизнинг ихлюсмандингиз сифатида сұхбатлашмоқчиман...

— Яшанг! Нагпалжининг «тактикаси» эмасми бў?

— Йўғ-е! Эсингизда бўлса сиз билан биринчидан бор 1980 йил Бомбейда Риши Капур билан Ниту Синчанинг никоҳ тўйларида учрашган эдим... Шаши Капур жаноблари таништирган эди...

— Балким! (кулади). Узокдан бошладингиз... қанни ўтирайли! (учаламиз шундоқ майсазорда кенг майдон четидаги курсидаларга ўтирамиз).

— Бизнинг сұхбатимиздан фақат хотира... фотосуратлар қолади... Кейинни учрашувларимиз Тошкентта, фестивал пайтида бўлганда, онла аъзоларигиз билан борган эдингиз...

— Жи! Тошкентда бўлганиман, лекин жуда оз! Ўзбекистон ҳақида мархум Рах соҳиб кўп гапирадилар. (Жи – яхши маъносини билдиради).

— Ўзбекистонда ҳам сизнинг ихлюсмандларингиз кўп. Ҳатто шундай оилалар борки, ўз фарзандларига сизнинг исмийнинг кўйишган.

— Ростданми? (кулиб). Капил

нечта видеофильмлар олган. Вақти вақти билан матбуотда ҳам хикоя ва шеърлари билан чиқиб туради.

— Яхши! Танишганимдан хурсандман. Таклиф учун раҳмат, Ўзбекистонга, Тошкентта албатта бомбейда бўлсангиз телефон қилинг! – 620-75-79... Эслаб қолмадингизми? 620... яна 420 га адаштириб юрман! (Жаноб – 420“ фильмини назарда тутдими ёки Ҳиндистон жиноят кодексида безори, ўтирилар учун чиқарилган 420-моддани эста одди шекили). Яхшиси, бу номерни эслаб қолинг, осонроқ: 620-61-62... Намалкар!

— Раҳмат! Кўришунча!

Шу оқшом яна бир неча «юлдузлар» билан бирга бўлиши баҳти насиб этиди. Митхун Чакраборти шу йил ўзининг кино оламидаги ижодининг 25 йиллигини нишонламоқда экан. Йиллар ўз таъсирини кўрсатгани, Митхун Чакраборти анча сипо, босик, салобатли бўлиб қолибди. Лекин булар ҳаммаси алоҳида яна бир мақола мавзуси. Аммо инсонийлиги, иқтидори билан ҳақиқий «экран шаҳанпохи» Амитабх Баччан сұхбати ўзгача. Унинг яна томошибинларни күшнуд қилимас!

Ахмаджон КОСИМОВ

(Боши ўтган сонларда)

#### 421-қисм

... кассоб. — Пединститутни би тирганиман, ўқитувчилик қысам хам бўлади-ку! Буни қаранг, дипломим борлиги бутунлай эсмидан чикиб кетиди!

"Вой, қачон институтни битиришга улугурангиз?" дедим ажабланиб.

"Кассобчиликдан ажралмаган холда сиртдан битириганман!"

кармокка илинтириса бўлади. Қандай қилиб? Яна ўша савол! Ҳаёт деганлари факат саволдан изборат экан да! Биз бўлсан шу ғаводларга жавоб топиш билан овора бўлиб, ўтиб кетаверархамиз...

Лекин бу саволга хам жавоб топдим. Бу хам бир тасодиф туфайли. Кир юваетган эдим. Нимчимногора солишиб олдин, пул-мул қолиб кетмасин деб чўнтақларни тит-киласам, нохос Куллаҳмадни

#### 428-қисм

... Тўрт-бешта эркак-аёл хизматчилик бизни ажратиб кўйшиди. Бундага қарата мадди ҳали ҳам ачча бакувват эканман. Қишлоқда, фермада сигирларни елининги тортавериб қўлларим, бармоқларим чайир бўлиб кеттанди! Мўттихонни тирниларни ёмон экан. Ҳайронман, дўйтири бўла туриб тирнил ўтиради. Бу тигненага хилоф эмасми?

онамни каерда кўрдингиз?" десам, Сафо акам кулдилар. "Кечаканат ўрияда бир ҳамкишлогиниз билан танишиб колдим. Қишлоқ дўконида мудир экан, бечорани ўтган йили хотини қазо қўлган, якинда шуни йилни ўтказиб, дам олишга келиби", деди кассоб.

"Исми Бойбўта эмасми?" дедим.

"Ха, ха, Бойбўта! Қўринишдан ҳам бой-бадавлатта ўхшайди", деди кассоб...

кетмабди. Яраттанинг инояти кенг-да!"

Кассобни маҳкам кучоқладим, ут бўлса ҳам иккى юзидан чўлпиллатиб ўтдим.

"Фурсатни бой бермайлик, тезрок тўйни бошлаб юборинг!" дедим.

Кассоб хурсанд бўлиб кетди: Эртагаеқ ЗАГСга бориб ариза берамиз!"

Мен эса: "Эй, худо дейман, эртагача бирор кор-ҳол бўлмасин! Нахотки, баҳт деганини шунча узок кусам?! Кани энди тезорок тонг ота колсади!"

#### 432-қисм

... Кечаси билан мижжа кокмай чиҳдим. Кечалари ўйум кочса, битга яримта китоб вараклайдиган одатим бор. Мана, кўлмидда илк учрашганимизда Сафо кассоб совга қиғлан Навоийнинг "Ҳамса" китоби. (Ўша пайтларда китоб совга қиши урф бўлган эди-да). Китобни ўқбўгенин вараклаб курсам, бинойдай экан. Лекин менинг нарсага ҳеч аклим бовар килмайди-да! "Навоий хотин олмаган" дийдилар. Шу гап ростими ёки душманлари тўқиган мишишми? Шоирлар факат ўзи ҳақида вазди, дейдилар. "Фарҳод ва Ширин"ни ўқиб, шу гапга амин бўлдим. Бечора Навоий Ширинга етолмайди-я! Бу дарднинг нечорли оғирлигини биламан, шунинг учун ўхнг-хўнг иғлайдам. Кўнглум ямон бўлиб кетди. Сўғин "Лайли ва Мажнун"ни ўқидим. Рости, мен Навоийдан бошча нарсанги кутган эдим. Лайли билан Мажнун ЗАГСда ўтиб, баҳти-тахти бўлиб кетади дес ўйлагандим. Йўк, акси бўлиб чиқди. Асар қаҳрамонлари ўрнига ўзимни кўйиб кўрдим. Юрагим оркага тортиб кетди. Нахотки, Лайли Мажнунга ўхшаб боз ҳам... Худо сақласин! Навоийнинг даври бошқа эди. Ҳозир бозор иктисадидан даврику, ўлиди эди, бир-бirimizga etolmasak.

Продюсер Уста КўПАЛ  
(Давоми бор)

# ШУНЧАКИ МАРИЯ КўП ҚИСМЛИ ТЕЛЕҚИССА

"Ўнда ўқитувчилик килинг! Шунда Мўттихон ҳам акасини мансабини неш қилиб тайзик ўтказолмайди", десам, кассоб бошини чайқади: "Ўқитувчиликнинг маоши билан сизни боколмайдам! Кассобликнинг ўйи бошқа, битта мол сўйсангиз беш-олти кило гўнгичнинг бор. Ҳар доим қозонингизда тўшт қайнайди. Ўқитувчиникида нима қайнайди? Китоб қайнайди! Китобни эса еб бўлмайди".

"Яхшини, Мўттихондан кечмайдам, дент! — дедим шарт бурнилиб. — Ўнда мени кетдим! Ўша Мўттихон билан кўшмазор бўлниг!..

#### 422-қисм

Менинг важохатимни ўриб кассоб дарров тўйимга чим босди.

"Тўхтанг, Марияхон! Сиз ҳам ўтга ташлаш кетмоқчимисиз? Раҳмингиз келмайдими? Агар мени десансан, бир сафа туриб курашинг! Бир ўзимни кўлмайдан нима ҳам келарди?"

Кассобинг жўшингин нутки мени руҳлантириб юборди. Бир-бirimizdan ҳеч кичик чиқарни билан яккабоянга учун касам ичини. Кўнглим хотиржам бўлниб...

#### 423-қисм

... ўйга кайтдим. Ўйга бориб олиб Мўттихонни маҳв этишининг турла ўйлари ҳақида бош котирдим. Анига маслаҳат солмоқни ёдим, фикримдан кайтдим. "Иссик-совуқ" можаросидан кейин иккаламиз ит-мушук бўлни котганини. Мени кўрса балони кўргандай бўлади. Кассобинг эса кўлдан кеч иш келмайди! Тўрги-да, иккя ўтирасида қолган олдамини кўлдан кима ўтилни мумкин? Ўнга факат ёрдам бериш керак! Қандай қилиб? Ҳамма гап ана шу саволга топилган тўғри жавобда!

Ўйлаб-ўйлаб охири йўлини топдим. "Хўш, — дедим ўзимни ўзим. — Мўттихонни сунгаган тоги ким? Шубҳасин, акаси Шамшодхон тўра! Шамшодхон тўрани аганатсан, Мўттихон ўзидан-ўзи тинчиди!" Бу хали ҳомаки режа. Шамшодхон тўрани аганатиш осон эмас. Лекин мен бир нарсан биламан...

#### 424-қисм

Шамшодхон тўра пора олади! Уни ана шу нозик томонидан

Мажнунбекка ёзган хати чикиб копди. Бирим хурсанд бўлиб кетдим. Киримни йигиштириб, Куллаҳмадни олдига юргарди...

#### 425-қисм

Куллаҳмад ўзида экан, мени кўриб ранги-рўйи бузилиб кетди.

"Гап бўладай, — дедим, хатни чўнтиқдан чиқарди. — Мана шу хатни биласиз-а?.. Билсангиз, жуда яхши! Шу хатни ўтириб-ўтиқоти вақти келди, деб ўйлайди. Бунинг учун битта арзимаган хизмат, хизматки, гўшт растичининг хўжайинини жинонг устида кўлга тушириб берасиз..."

"Бу жуда ҳавфли иш!" деди Куллаҳмад каллагани учбি.

"Агар кўнглигизни хотиржам бўлишини истасангиз, ўйлини топасиз!" дедим, хатта ишора килиб. "Ўйлаб, кўрай!", деди у бошини кашини. Ўзим... Ҳам...

#### 426-қисм

... кўл қовуштириб ўтирадим.

Менда Мўттихон билан яккабоянга учрашиб "муҳаббат мажароси"ни биреклик килиш истаги пайдо бўлди. Шу ният билан дам олиш ўйга ўйлоди. Тўғри Мўттихоннинг кабинетта бостириб кириб, томдан тараши туштандек: "Сафо кассобни тинч кўяссанни, йўкми?" дедим. "Йўк! — деди у хотиржам. — Тинч кўймайдам! Мен уни севаман! Биламан, сен ҳам уни севасан. Шуни билгинги, сенинг бойлигининг — бу чиройинг, мени бойлигин эса — бу пул! Сафо кассоб шубҳасини пулни яхши кўради!"

"Ёлғо! Сафо акам пулни эмас, мени яхши кўради! Ҳанча пул керак бўлса, мана мен топиб бераман уннишига!" дедим жазават тубиг.

"Агар, Сафо акан сени яхши кўрса, ўнда нимага шу пайтага сенга ўйлана колмайди! — деди у. — Сен Сафо кассоб учун шунчаки козмандан бошқа нарса эмассан!"

Бу гапни ҳазм киломадим. Бор кўзимни тўплаб Мўттихонга ташланиб, ёчкининг думига ўхшаш сочига чанг соддим...

#### 427-қисм

... "Шакар-шукур мекунад, жақаржукур килади..."

Соғликини сақлаш вазирлиги қаёқка қарапти ўзи...

Бизни ажратишганларидан кейин иккимиз ҳам хўроздай десам биз хотинларга тўғри келмас, ҳар холда битта донни талашган товуқларек бир-бirimiziga хезалнин турбимиш.

Қўллари конга тўлган Мўттихон жазава билан: "Барибир уни сенга боримайди! Факат менинг ўйтимни босиб, сўнг кассобинг висолга етоласан!" деди.

Мен ҳам бас келдим. Биттасига иккита қилиб кайтарбай турдим. Ким керада кассобга: "Е ўнисин дент, е буниси дент! Нега иккита заифани уриштириб, бир чеккада томошабин бўлиб ўтирабисиз?" деди. Кассоб иккити ўтича котланган эмасми, бир нима деб жавоб беромайди. Шунда Мўттихоннинг кассобга қараб бўкири: "Эркакмисиз ўзи? Гапиринг, кимни дейиз? Менинг ўшга дўконини дессангиз ўтиғи буекка!" деди. Мен эса: "Агар мени ва дуне гузаллигини дессангиз ўтиғи буекка!" дедим. Бетора кассоб бир менга, бир унга қараб, нахожисиз котланганди.

"Бас қилинглар! — деди ўша бегона киши. — Эркак зотини бунча котланганди!" деди. Мен эса: "Агар мени ва дуне гузаллигини дессангиз ўтиғи буекка!" дедим. Бетора кассоб бир менга, бир унга қараб берди: "Нега сиздан тортиб оларкан? Мен сизга ўтсанм. Мўттихоннинг қадами анча тортиб котди. Боска биттасига топиб олганга ўхшайди!" деди.

"Айтанингиз келсин! — дедим, козимга фотика тортиб. — Кечакунда котланганди!" деди.

429-қисм

... Бизлар бас кидил. Яккама-якка кураш дуранг ва натижаси тутади. Шахзара қайдтанди. Энди бутун умидим Куллаҳмаддан Ҳар куниң кўнгироги килиб, унга шартни ва хатни эслатиб турдим.

Ҳа, деганда бирор янгилик бўлавермади. Сафо кассоб дам олишдан кайтиб келса-да, Мўттихон уни шахзарда ҳам тинч кўймаётган эди. Кассобга маслаҳат солдим: "Сафо" ака, бу шахзардан кўчиб кетаётлик, дедим. Кассоб рад этди: "Тўғлиган остановни ташлаш котломайдам! Мен шу шахзарда Сафо кассобман, бошқа жойда ҳеч кимманд!" деди.

430-қисм

... ва эшиқдан чикиб кетаётган эди. Бир нарса едига тушди чори, орқасига кайтиб.

"Ха, айтганча, Марияхон онангиздан бир кучоқ салом!"

— "Хаяжонланиб кетдим. "Вой,

... Ҳаёл ёшлик чоғларимга етаклади. Бечора Бойбўта мудир, бир пайтлар менга ҳазиллашиб "пари" деб жетажоғлик қиласди. Бир марта кайтим бераётнанда кўлмидан ушалаб олган. Ўшанда биринчи марта кўлмидан эркак чоғларимга ҳам шалаганданим, баданимда чумоли ўрмалагандай бўлиб, титраб кетганим. Лекин хотини Гильчакон оба беҳо аёл эди... Бойбўта мудирга кийин бўлибди-да!"

... Кассоб ина ишга тушни кетди...

#### 431-қисм

... Бир куни кассоб анча хурсанд киёфада кириб келди: "Шамшодхон акамлар янам юкорига кўтарилиб кетдилар!" деди.

"Демак, Мўттихонни кўли янам узун бўлиди-да! Энди сизни мепдан тортиб олар экан-да?" дедим кўз ёш килиб. Кассоб менинг кўшигимга кутиб билан жавоб берди: "Нега сиздан тортиб оларкан? Мен сизга ўтсанм. Мўттихоннинг қадами анча тортиб котди. Боска биттасига топиб олганга ўхшайди!" деди.

"Айтанингиз келсин! — дедим, козимга фотика тортиб. — Кечакунда котланганди!" деди.

432-қисм

... ва эшиқдан чикиб кетаётган эди. Бир нарса едига тушди чори, орқасига кайтиб.

"Ха, айтганча, Марияхон онангиздан бир кучоқ салом!"

— "Хаяжонланиб кетдим. "Вой,

# УЛГУРЖИЛАР

Туман газетасининг муҳаррири қасалхона бош врачига кўнгирок килди:

— Битта макола, керак бўлиб қолди, — деди у бош врачи билан наридан бери сўрашгач, — редисканинг фойдаси тўғрисида.

Турган-биттани витамин булсан. Колганини ўзингиз келишиширасиз.

Макола чиқкач, бозорда редиска анконинг уруги бўлди.

Орадан сал вакт ўтар-ўтмас мұхаррир яна кўнгирок килди.

— Бодиринг чиқай деб котди. Макола кечикмасин.

Кўпчилик бодирингнинг минг дардта даво эканлигини ўқиб, чилласи чиқмасан боладан тортиб, жаг тиши колмаган кампиргача — баря бодиринг қавшайдиган бўлишиди.

— Бозорда шафтоти кетмаяти, — деди мұхаррир яна бир гал, фойдасин эслатишига тўғри келади. Мисолини лукмони Ҳакимдан келитиринг...

Нихоят, бош врачи мұхаррирга кўнгирок килди:

— Салом, — деди у ва мақсадга ўтди, — бизнисим шолгом бўртиб котди Мисоли Ибн Синодан. Арzonга кетмасин...

Чоршанбаи БОЙВУСИНОВ

Бош мұхаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАҶАЙАТИ:

Кулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР,  
Дадаҳон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ,  
Мұҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИД  
[бош мұхаррир ўринбосари], Ботир  
ЭРНАЗАР [масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ,  
Абсолом УСАНОВ, Абдумуталиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар

жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Таҳрирят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар "Оила ва жамият"дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.

Телефон: 39-43-95

Азиз АБДУВАЛИ навбатчиллик қилди

Обуна индекси -64654

Рўйхатга олиши №33

Буюрта №9-916. 35164 нусхада чоп этилди.

Газета IBM-компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди.

Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5 6